

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1477-ҳадис

Сабр қызынан :
Сабр қызынан

29-дарс

Сабр ҳақида

Сабр қызынан :
Сабр қызынан

Аллоҳ таоло: “**Эй мүминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда (коғирлардан) устун бўлингиз**” (Оли-Имрон сураси, 200-оят),

Сабр қызынан :
Сабр қызынан

“**Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва меваваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиласиз. Бас, сабр қилувчиларга хушхабар бергин**” (Бақара сураси, 155-оят),

Сабр қызынан :
Сабр қызынан

“**Хеч шак-шубҳа йўқки, сабр тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур**” (Зумар сураси, 10-оят), деб айтган.

* Сабр қызынан :
Сабр қызынан

1. Абу Сайд Саъд ибн Молик ибн Синон ал-Худрий розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Ансорийлардан бўлган кишилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (нарсалар) сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга (сўраган нарсаларини) бердилар. Кейин яна сўрашди. Уларга бердилар. Ҳатто ҳузурларидағи бор нарса тугади. Уларга барча нарсани қўллари билан инфоқ қила туриб: «Ҳузуримда **бирор яхши нарса бўлса, мен сизлардан дариг тутмайман. Кимки** (тамаъдан йироқ бўлиб) ўзини иффатли тутса, Аллоҳ уни иффатли қиласи. **Кимки ўзини ҳожатсиз қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилиб қўяди. Кимки бардошли бўлса, Аллоҳ уни ҳақиқий сабрли қилиб қўяди.** Бирор кишига сабрдан кўра улуғ ва яхши нарса берилмайди», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

